

А.О.Кўчқорова

КИТОБ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўчқорова Айша Олтибоевна

КИТОБ – МАЪНАВИЯТ
КЎЗГУСИ

Ўқув-услубий қўлланма



“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
Самарқанд – 2024

УЎК: 75.5

А.О.Кўчқорова. Китоб – маънавият кўзгуси. Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2024. – 55 бет.

Китобхонлик учун махсус танланган асарлардаги ўсмир қизлар учун долзарб бўлган ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимларига хос бўлган жиҳатларига эътибор бериш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияларини шакллантиришда хизмат қилиши лозим бўлган томонларига диққат қилиши ва илмий педагогик талқин қилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма мактаб ва коллеж талаба қизлар учун маънавият асослари дарсларида қўшимча ўқув материал ҳисобланади.

Тақризчилар:

проф. К.Ҳ.Ҳасанова,
доц. О.Х.Қосимова

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2023 йил 24 июндаги 11-сонли қарорига асосан нашр этишга рухсат берилган (Рўйхатга олиш рақами №1103).

ISBN 978-9910-786-49-5

© А.О.Кўчқорова, 2024
© “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2024

МУНДАРИЖА

1-қисм. Ўсмир қизларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашларини китобхонлик асосида шакллантиришнинг тарихий асослари	4
2-қисм. Ўсмир қизларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини миллий қадриятлар асосида шакллантириш	22
3-қисм. Ўсмир қизлар маънавий - ахлоқий тарбиясида Шарқ алломаларининг тутган ўрни	33
Хулоса	49
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52

1-ҚИСМ

ЎСМИР ҚИЗЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШЛАРИНИ КИТОБХОНЛИК АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, ўзбек халқининг бир неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб – асраб келаётган ахлоқ одоб дурдоналарини, бой қадимий меросини, миллий қадриятларимиз ютуқларини ўрганиш ва унга амал қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Чунки, фаҳримиз бўлган Шарқ алломаларимиз Кайковус, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳой Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний каби жаҳонга машҳур маърифатпарвар шоир ва ёзувчиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари, улар нақл қилган ривоятлари ёш авлодларимиз учун ахлоқ-одоб сабоғидир.

Шарқда педагог олимлар асрлар давомида бола тарбиясига, маънавий- ахлоқий қарашларига катта эътибор берганлар. Бу тарбия масалалари Шарқ олимлари томонидан яратилган асарларда ўз ифодасини топган. Жумладан, машҳур ҳинд масали “Калила ва Димна”, Низомул Мулкнинг “Саёҳатнома”, Носир Ҳисравнинг “Саодатнома”, “Рўшнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лугатит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббатул ҳақойиқ”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, “Вақфия”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўзбек адабиёти тарихида ном қозонган шоирлар ва ёзувчилардан Абулқосим Фирдавсий, Тусий, Рудакий, Носир Ҳисрав, Саккокий, Абдурахмон Жомий,

Муҳаммад Ризо Огаҳий, Мунис Хоразмий ва бошқалар ўзларининг бадий асарларида ажойиб таълимий, ахлоқий, тарбиявий фикрларини, тушунчаларини ифода этганлар.

Маълумки, инсоният ўз ҳатти-ҳаракатидаги, хулқидаги йўналишлар, энг муҳим белгилар мужассамлашиб, шахс фаолиятида, унинг камол топишида хулқ-ахлоқ қондасининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўрта Осиё халқлари шарқона маънавий-ахлоқий қарашларга бой ва бетакрор анъаналарга эгадир, юқоридаги фикрлар тасдиғи сифатида илк манба, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Унда тилга олинган ахлоқ, одоб, маърифатга оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоялар асрлар давомида аجدодларимиз маънавий камолини кўтариш учун хизмат қилиб келмоқда.

Инсоният оламида гўзал хулқ эгалари кўплаб мавжуд бўлганлигини манбалар тасдиқлайди. Шу ўринда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ бундай хислатларнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Бу ҳақда аллома Муҳаммад Ҳисорий шундай ёзади: “У кишининг хусни-хулқлари ҳар жиҳатдан камолотга етган, мукамал эди. Аллоҳ таоло Нур сурасининг тўртинчи оятида пайғамбар аллайҳиссаломни мақтаб “Сен чиндан ҳам юксак ахлоқ эгасисан”, - деган. Ҳазрати Ойша разияллоҳу анҳу: “Пайғамбар алайҳиссаломнинг хулқи Қуръон эди. У Қуръон мамнун бўлган нарсадан мамнун бўлар, ғазабланганидан ғазабланарди”, - дейди. Пайғамбар аллайҳиссаломнинг ўзлари “Мен гўзал ахлоқларни камолга етказиш учун юборилдим”, - деганлар. Анас эса юқоридаги таърифларни давом эттириб, “Расулуллоҳ энг гўзал ахлоқ эгаси эди. Муҳаммад алайҳиссалом худди

бошқа пайғамбарларга ўхшаш маънавий ва ахлоқий баркамолликка эришган эдилар. Улар муборакликка, пайғамбарликка танланиб Оллоҳнинг нури дилларини ёритиш билан фазлу камолот чўққисига кўтарилдилар. Пайғамбарликка хос бундай гўзал ахлоқ ва хислатлар беҳисоб”, - дейди.¹

Ёки, Имом Ал-Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик – мана шу тўрт хислатни Оллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир”, - деб ёзади.²

Диққат қилсак, юқоридаги эътирофлар бутун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган буюк алломаларнинг ахлоқ, гўзал хулқ ҳақидаги фикрлари ҳеч бир даврда завол топмаганлигини кўрсатади. Айни пайтларда ҳам бу фикрлар бугунги кун талабига мос тарзда қаламга олинган деб ҳам ўйлайсиз. Шарқона ахлоқ ҳақида сўз борар экан, зардўштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам қадимги турк ёзма битикларида ҳам ҳеч қачон қадр-қиммати йўқолмайдиган фикрларни учратиш мумкин.

Булардан ташқари, шарқона ахлоқ мавзусига ўзбек халқи орасида кенг тарқалган пандномалар, ўғитлар ва одобномаларда, шарқона педагогикада, диний – фалсафий рисоаларда, алломалар меросларида кенг ўрин берилган. Жумладан, энг қадимий таълимий, ахлоқий манба сифатида эътироф этилган “Қобуснома” XI асрда яратилган бўлиб, унинг муаллифи Кайковус бу асарини “Сана 475 да бошладим”, – дея маълумот беради. У бу

¹ Мухаммад Хузарий, Усур – ул яқин. Тошкент, Чўлпон-Камалак, 1992, 263-бет.

² Имом Исмоил Ал-Бухорий, Ал-адаб ал муфрад. Тошкент. Ўзбекистон. 1990, 94-бет.

асарини кексайганда ёзади ва ўғлига бағишлайди. “Қобуснома” 44 бобдан иборат бўлиб, деярли ҳар бобида инсон шахси, тарбияси борасида тўхталиб ўтади. Айниқса, ёшларнинг илм ўрганиш масаласига Кайковус алоҳида диққат қилади. Унинг фикрича илм олиш инсонни ҳар томонлама камол топтиради дея эътироф этилади.

Муаллифнинг тарбия борасидаги фикрлари орасида, диққатга сазовар томони шундаки, унинг фақат ўғил болалардан ташқари, қиз болалар тарбиясига оид фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

“Агар қизинг бўлса, уни мастура дояларга топшир, токи яхши парвариш қилгайлар” (Қизинг) катта бўлгандан кейин муаллимга топшир “Балоғатга етгандан сўнг... унга шафқат ва марҳамат кўргазгил, чунки қиз отанинг асири бўлур. Ўғил отасиз бўлса ҳам, у ўзига иш топа олади. Қиз ожиз ва бечора бўлади. Ҳар нимагаки эга бўлсанг, олдин қизга бергил ва унинг мол ҳалини тузатгил”,³ - дейди.

Бу билан муаллиф, қиз болалар ҳам илму маърифатда, касб-ҳунарда ўз замонасида муҳим ўрин эгаллашлари мумкинлигига ишора қилади.

“Қобуснома”да ўсмир қизларга келажак авлодни тарбияловчи инсон сифатида қарайди ва уларнинг илмсизлиги ва ҳаракатсизлиги тарққиётни ортда қолдирилишига сабаб бўлади. Шундай экан, асарда тилга олинган таълимий, тарбиявий мулоҳазалар бўлажак оналаримизга ўрнатилган қимматли манба сифатида қарамоқ лозим. Муаллиф, асарда айтилган назарий, илмий мулоҳазаларини ҳаётий ва амалий мисоллар воситасида ёритиб беради. Чунки, у халқнинг турмуш

³ Қобуснома. Тошкент. Ўқитувчи. 1973.72-бет.

тарзини синчковлик билан кузатган ва умумий хулосаларини, қизиқарли бўлишини таъминлашда, ҳаётий ҳикоялар, мақолалар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзларидан ўрни билан фойдаланган.

Буюк аллома Абу Наср Фаробий эса, инсон камолоти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ахлоқни бир мунча кенг, атрофлича изоҳлаб берди. Унинг фикрича инсон ахлоқининг бош омили сифатида инсон аъзоларининг мукамаллигида, теран, зукко фикрлигида, ўткир хотира, зеҳнлиликда, нутқий равонликда, билимлиликда, тартиб интизомликда, ҳаққонийликда ва бошқа инсоний фазилатларнинг умумлашмасидан ахлоқ ҳосил бўлади деб ҳисоблайди.⁴

Дарҳақиқат, биргина ахлоқ сўзида инсоний фазилатларнинг умумлашмаси, жамламаси мавжуд бўлади. Бу фазилатлар мажозий маънода икки жинсга-эркак ва аёлга нисбатан ишлатиладиган бўлса, ахлоқ сўзининг маъноси нақадар кўлами кенг эканлигини англаш мумкин.

Масалан, йигит киши учун диёнатли, ғайратли, шижоатли, илмли, интизомли, виждонли, садоқатли бўлиш энг муҳим ахлоқий фазилатдир.

Қиз бола учун эса, йигитларга хос фазилатларнинг айримлари қисман тегишли бўлиш билан бир қаторда, уларнинг ўзларига хос ахлоқий ақидалари мавжуд.

Ҳар бир оилада вояга етаётган фарзанднинг ижодкори она ҳисобланади. У фарзандлар учун ўз куч-ғайратини, меҳри – муҳаббатини аямайди. Айниқса, оилада бўй кўрсатаётган қизларнинг ахлоқли, одобли,

⁴ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.

иффатли, ҳаёли, сабрли, интизомли қилиб тарбиялаш она зиммасига тушади.

Чунки, оилавий муносабатдаги самимийлик оиладаги катталарга ҳам, болаларга ҳам таъсир этади, уларнинг ривожланишларига ёрдам беради. Ҳар бир оиланинг азалий ўз анъаналари бўлганидек, Шарқ халқларининг ҳам ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари мавжуд. Бу анъаналар миллий ва тарихий, маданий, ижтимоий, умумбашарий анъаналар билан ҳам маълум маънода боғлиқ бўлади. Гап оилада бола тарбияси ҳақида борар экан, ҳар бир фарзандга хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз бола биринчи ўринда уларга хунар, адаб, билим бериш ота-онадан фарзандга меросдир.

Зеро, Алишер Навоий фарзандларни тарбиялаш ҳақида фикр юритар экан: “Ёш болага нисбатан энг зарур иш, балки уни кичкиналигидан парвариш қилишдир. Қатрани садаф қилгани учун одамларнинг бошига чиқиб шараф топди... Тарбиянинг яна бири унга илму адаб ўргатиш учун муаллим чақиришдир”.⁵

Буюк шоир айтган фикрлар, бевосита қиз болаларни тарбиялашга ҳам дахлдор бўлиб, уларни барча рўзғор ишларини юритишга ўргатишни, одобли ва билимли бўлишини назарда тутати.

Яна бир муҳим ахлоқий масала, ўсмир қизлар учун зарур бўлган ширинсуханлик маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Чунки, қиз боланинг ақли ва дунёқарашини, фикр туйғуларини, билими ва ўзини тутиш маданиятини, савиясини тафаккурини маълум даражада сўзда ифода этади. Сўз, муомала маданияти, юз ва кўз, тилнинг кўрки ҳисобланади. Муомала

⁵ Алишер Навоий. “Ҳайрату - аброр” Тошкент, Ғ.Фулом номидаги адабий ва санъат нашриёти, 1989, 262-бет.

маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади. Инсоннинг одоби даставвал унинг тилида, кейин тили орқали билимида кўринади.

Оиланинг кўрки бўлган қиз боланинг муомала маданияти унинг дид фаросатидан, фахм ва одобидан дарак беради. Бу муҳим ахлоқий тарбиянинг эътиборга молик жиҳатларидан биридир. Муқаддас Қуръони Каримда: “У бирор калимани сўзлай бошлар экан, ёнида унинг сўзларини тафтиш қилувчи назоратчи туради”, — деган оят мавжуд.

Оятнинг мазмуни шундан иборатки, оғиздан чиқаётган ҳар қандай сўзлар, одамлар орасида тезлик билан ўз баҳосини олади. Шундай экан, айниқса қиз бола ёқимли, фойдали, зарурий мавзуларда сўзламоғи, ўзининг дид ва фаросатини, одобини намоён этадиган фикрларни намоён этмоғи лозим.

Буюк мутаффақир Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девони луғатит турк” асарида, сўзлаш одоби, ахлоқи хусусида ҳам мулоҳаза юритар экан, аввало сўз кудратини юксак баҳолайди, инсон тил орқали ўзининг яхши ва ёмон фазилатини намоён этади, ўзаро муносабатлар жараёнида шахс сифатида шаклланишини алоҳида эътироф этади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, қиз боланинг ширин муомаласи, унинг жисмоний кўринишини гўзаллаштиради, атрофдагиларга қувонч бағишлайди.

Бу ажойиб фазилатларни ўзлаштириш, хушмуомалалик маданиятини шакллантиришда сўз сеҳри катта аҳамиятга эгадир. Сўз сеҳри эса, бебаҳо хазина китобларда жамланган.

Донишмандлар китобни, инсон қўлларига қийслашади. Чунки, у сизни назорат қилади ва сиз хоҳлаган ишни амалга оширади. Яна, китоблар билим

манбаи бўлиб, инсон улардан хоҳлаган соҳага доир маълумотларни топа олади. Энг муҳими, олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун илк қадам сингари бебаҳо кўмакчидир ва қимматли хазинадир.

Одатда балоғат ёки ўсмирлик ёшидаги йигит – қизлар китобга ошно бўлса, ўзларининг орзу – ўйларига ҳамоҳанг қаҳрамонлар билан хилватда суҳбат куради. Бу ҳол ҳар куни катталардан эшитадиган панду насихатдан кучлироқ ижобий таъсир қилганлиги тажрибада синалган.

Аслида, китоб ҳам одам каби турмуш ҳодисаларидан сабоқ беради ва овозсиз гапирадиган беминнат суҳбатдошдир. Айни шу ҳақиқатни англаган аждодларимиз китобга меҳр қўйганлар ва севиб мутолаа қилганлар. Китобни ўзига яқин ошно ҳисоблаган алломалар, олган илмлари учун, ҳаётни ўрганганлари учун, ўзларидаги яхши хислатларга эга бўлганликлари учун китобдан миннатдор бўлганлар ва қимматли олий хазина сифатида эъзозлаганлар.

Машҳур шоир Абдурахмон Жомий китоб ҳақида шундай ёзади: Китобдан яхшироқ дўст йўқ,

Ғамхўринг бўлгай у ғамош замонда,

У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,

Жонингга юз роҳат беради такрор.

Билимдонлар сўзи бордир бу бобда,

“Билимдон гўрда-ю илми китобда”,

Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдир,

Билим субҳидаги нур ҳам китобдир.

Инсон учун китоб мутолааси, ҳаётида учрайдиган кишилар билан муомалада мулоқот қилишга ўргатадиган ҳаётини кўргазмали қуроли ҳамдир.

Китоб мутолаасига, хусусан аёллар маърифатида тутган ўрни ҳақда Шарқ алломаларининг асарларида қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Табийки, китоб мутоалааси, ўсмир қизларда ҳаё, ибo, иффат, андиша каби инсоний фазилатларни тарбиялайди ва муҳим тарбиявий восита эканлигини уқтиради. Аллома ҳаким Ибн Сино тили билан айтганда “Инсонда доим турадиган хусн ва латофат ҳаё ила иффатдур, ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур”.

Дарҳақиқат, қиз боладаги ҳаёни дилни равшан қиладиган нурга қиёслаш мумкин. Яна иффат, ҳаё кўпроқ қизлар, аёллар учун олмосдан қиммат, инжудан қадрли зийнат ва фазилатдир. Айнан ана шу ақидага амал қилган Шарқ алломалари, доно халқимиз турли ҳикоят ва ривоятларни яратганлар.

Шу ўринда, Шарқ халқларининг, машҳур “Минг бир кеча” китобида асосий қаҳрамон, Шарқ гўзали Шаҳрибону тилидан ҳикоя қилинган ибратли ҳикоятларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Ҳикоятларни сўзловчи сифатида аёл кишининг танланиши ҳам, унинг биринчидан ақл заковати тан олинганлигини тасдиқласа, иккинчидан Шарқ аёлига билдрилган ҳурмат ва эҳтиром белгиси эканлигини англаб олиш қийин эмас. Шаҳрибону томонидан ҳикоя қилинган бир ривоят диққатга сазовардир. Ҳикоят “Канизак қиссаси” деб номланади. У кичик, мўъжазгина бўлишига қарамай, мазмун моҳияти жиҳатидан катта маърифий-таълимий, ахлоқий аҳамиятга эгадир. Шунинг баробарида ҳикоя қаҳрамони, ҳаёли, иболи, билимлик доно канизак қиз ҳисобланади. Ҳикоя бевосита Шарқда машҳур илм – маърифат ҳомийси бўлган, Хорун ар-Рашид (763-809) даври ва унинг номи билан боғлиқдир.

Ҳикояда айтилишича, бир савдогарнинг Абдулҳасан номли ўғли отасидан қолган мол-мулкни қисқа вақт ичида сарфлаб тугатади.

Натижада бисотида бир канизидан бошқа ҳеч вақоси қолмайди. Ҳожасининг танг аҳволда қолганини кўрган канизак, оғир вазиятдан чиқишнинг йўлини ўйлай бошлайди. Шунда, у ҳожасига қарата: “Мени ҳалифа Хорун ар Хонуран –Рашид ҳузурига олиб боринг ва минг олтин қийматида сотишингизни айтинг”; - деб айтади. Шунингдек, менинг қийматим минг олтиндан ҳам қиммат туришини уқтиринг. Бунга сабаб, менинг илмим чуқурлигини, кунт билан ўрганганимни, ишонмаса имтиҳон қилишини сўрагин”, –дея уқтиради. Абдулҳасан канизни олиб Хонуран ар –Рашид ҳузурига боради ва у тайинлаган сўзларни такрорлайди. Халифа каниздан қандай илмларни билишини сўраганида у билган илмларини санаб беради ва халифани ҳайратда қолдиради. Канизак илмларни дастлаб араб тилининг наҳв (грамматикасини чуқур ўрганишидан бошлаганлигини, кейинчалик шеърят, фикҳ ва тафсир, луғат ва мусиқа, илми ситора ва шаммора (юлдуз ва қуёш илми), илми санок, қисмат ва масоҳат (ер ўлчам) илмларини ўрганганлигини айтади. Шунингдек, канизак дин илмини яхши билишини, Қуръонни етти хил қироат билан ўқишини, ҳадисларнинг кўпини ёд билишини ҳам ҳисоблаб беради. Аниқ фанлардан ҳандаса илми, риёзиёт, фалсафа, мантик, маоний, шантранжни чуқур билишини айтади. Халифа канизакни, қорилар, олимлар, табиблар, мунажжимлар, файласуфлар, кўйингки, ўша даврда машҳур бўлган олиму уломалар иштирокида имтиҳон қилади.

Алқисса, ҳамма имтиҳондан аъло даражада ўтган канизак халифадан бир неча минг тиллони олиб, ҳожасининг давлатини тиклайди.

Ҳикоя, халқ томонидан тўқилган афсона ёки ривоят бўлиши мумкин. Лекин, халқ аёл кишиларда ҳам илм –

фанни ўрганиш қобилияти борлигини, айнан бу илмларнинг соҳибаси аёл – канизак эканлигини, ҳикоя қилишар экан, халқимизнинг Шарқ хотин-қизларига бўлган ҳурмат ва эҳтироми белгиси эканлигини исботлаб турибди.

Дарҳақиқат, канизак ўзлаштирган илмлар мажмуаси асрлар давомида мактаб, мадрасаларда ўрганилганлиги ҳақиқатдир. Энг муҳими ҳикоятда илгари сурилган фикрда, канизнинг мазкур илмларни ўрганиш учун мустақил, ҳар соҳага оид китобларни ўқиганлигини, тинимсиз изланганлигини уқтиришдан иборатдир. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай замонда ҳам илм-маърифатни қадрлаган хонадонлар қизларини саводли, зиёли, билимли қилишга интиланлар. Дастлаб, ичкарида хусусий тарзда очилган қизлар мактабларида савод чиқарганлар. Қизларга сабоқ берадиган отин ойилар, асосан ўқимишли, мадраса кўрган акаси, отаси, бобоси кўлида илм ўрганганлар ёки улар ҳам хусусий устозлар кўлида таълим олганлар. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, отин ойи, муаллимларнинг билим бериш савияси у таълим олган даражада муҳити билан боғлиқ бўлган.

Ичкарида отин-ойилар ўз шогирдларига имкон қадар араб ёзувини, Қуръон ва ҳадис илмини, адабиёт, қисман аруз назариясини ўргатганлар. Машғулот жараёнида Шарқ адабиёти намуналарини ўқишга эътибор қилганлар.

Энг муҳими, ўғил болалар мактабларидан фарқли ўлароқ қизларга асосан, одоб, ахлоқ борасидаги тарбияга оид маълумотлар бериб борилган. Муаллималик касбини танлаганларни Фарғона, Тошкентда “Отин-биби”, “Отинойи”, Бухорода “Бибихалифа” ёки “Биби отин”, Хоразмда “Элти биби” номи билан атаганлар ва уларга ҳурмат, эҳтиром кўрсатганлар.

Балоғат ёшидаги қизларга таълим берган, устозлик қилган отинбибилар юртимизнинг барча ҳудудида учрайди. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, қизларга таълим беришга ҳаракат қилганлар. Ҳатто махсус таълим масканлари ҳам фаолият олиб борган. Шу ўринда қадимий тарихимизнинг ёрқин саҳифасини ташкил этган, илк хотин-қизлар мадрасаси, уни бунёд этган шахс ҳам аёл киши эканлигини тасдиқловчи тарихий маълумотларни келтириш мумкин. Бу Сурхондарё вилоятида мавжуд бўлиб, Қирқ қиз қалъаси номи билан юритилади. (Ҳозирда бу таълим масканининг қолдиқлари сақланган). Қирқ қиз қалъаси ҳақида, унда ўрганилган илмлар, қизларга ўргатилган касб – ҳунарлар хусусида халқ орасида турли ривоятлар, қиссалар, ҳаттоки дostonлар яратилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Ривоятлардан бири, бевосита шу қалъада яшаган душман хужумини қайтарган қаҳрамон қиз Гулойим ва унинг қирқ дугоналари ҳақидадир.

Бу қалъа тарихи билан боғлиқ айрим маълумотлар манбаларда ҳам учрайди. Сурхон воҳасидан етишиб чиққан машҳур аллома Юсуф Ҳаём ибн ат-Термизийнинг оналари Умму Гулсум ва унинг дугонаси Бинни Танзиланинг айтишича, “Отам ибн Вароқ ат-Термизий ва ҳаётимнинг сурури –умр йўлдошим ибн Ҳошимийнинг падари бузрукворлари, яъни қайнотам, бу қалъани менга инъом этганлар. Ундан сўнг мен бу қалъага қирқдан ошиқ қизларни турли мамлакатлардан жамлаб, ҳар биридан қирқ имтиҳон олганман. Уларнинг қобилияти ва иқтидорига қараб, қирқ мавзудаги қирқа илмни ўргатганман. Бундан турли ҳар хил ҳунарларни, айниқса илми бефанда (бичиш – тикиш, отда юриш)ни ўргатганман. Фарзандим ва жияним (акаминг қизи) Рухайдога ўз қизимни омонатга топширдим. Унга шу

қалға ва илмим ҳам охиратгача ўлмас илм бўлишини таъминлашини буюрдим”,⁶ қабилидаги маълумотни ҳикоя қилиб берди.

X-XI асрга келиб, Рухайдо ва Хурайдалар бу жойни аввал мактаб, сўнгра мадраса, бугунги кун тили билан айтганда, аёллар академиясига айлантиришган. Қизларга илм бериш билан боғлиқ масканлардан яна бири, масжид-мадраса Бухоро вилоятининг Жондор туманида жойлашган. У ҳам маърифатпарвар аёл томонидан барпо этилган бўлиб, у ҳам “Қирқ қиз” номи билан юритилади. Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Шарқда миллатнинг тараққиёти хотин-қизларнинг маърифатида, илмий дунёқарашда, маънавияти ва мафкурасида эканлигини, шунингдек, келажакнинг, миллатнинг таянч оналари эканлигини тасдиқлаб турибди. Яна, келажак авлодни ақлли, тарбияли, яхши хулқ ва соғлом эътиқод эгалари бўлишларида ҳам кўпроқ оналар хизматида боғлиқ эканлигинин авлодларимиз теран англаганлар.

Шу боисдан, қизларни ўсмир ёшидан тарбиясига эътибор берганлар, илмли бўлишлари учун, китоб ўқишга даъват этганлар. Дарҳақиқат миллатни хор ва тараққиётдан ортда қолдирадиган нарса оналарнинг илмсизлиги ва ҳаракатсизлигида. Бугунги кунда Форобий, Ибн Сино, Имом Бухорий каби олимлар нега етишиб чиқмаяпти? Чунки, улуғ олимларни улуғ оналар тарбиялайди⁷, - дейди Шарқшунос олим Ризоуддин ибн Фахриддин ўзининг “Машхур хотинлар” (Тарихда номи чиққан аёллар) номли асарида.

⁶ Маҳкамой Турсунова. Мадраса барпо этган маликалар. Илмий – оммабоп рисола. Тошкент, “Зилол буюк” наш. 2019, 16-17бет.

⁷ Розиуддин Фахриддин ўғли. Машхур хотинлар. Тошкент, 2019, 8-бет.

Муаллиф яна бир ўринда Шарқда уламо мансабидаги зотларнинг кўпчилиги: “Қизларни мактабда ўқитиш, уларга ёзув – чизувни ўргатиш керак эмас”, - дея шариат номидан жар солишаётганларга қарши чиқиб, нафақат ёзув-чизув, балки уларни китобхонликка жалб этиш лозимлигини айтади.

Чунки, китобхонлик қизларга таълим усули, тарбия низоми, гўзал ахлоқ, муомала усули, ўзини тутабилуш одоби, зеҳни поклаш йўлларини ўргатади. Ўсмир қизлар саводхонлиги ва зарурати билан боғлиқ манбалар, маълумотларга дуч келамиз. Шу ўринда, машхур тарихчи, икки тилда ижод қилган шоира Дилшоди Барнонинг мактабдорлик фаолияти билан боғлиқ маълумотлар диққатга сазовордир. У 50 йилдан ортиқ муаллимлик қилиб, қизларга хат – савот ўргатган, таъби назм қизларга шеърят илмидан дарс берган. “Ҳамдам ва ҳамсухбатларим зеҳнли соҳиби назм ёш шоиралар бўлиб, 51 йил мактабдорлик қилдим. Мактабда аъло ва ўрта ўқувчилардан доимо 20-30 қиз таълим олар эди. 891 қизни саводли қилиб чиқардим. Булардан яқин тўртдан бир қисми таъби назми бор оқила қизлар эди”, - дейди Дилшоди Барно ўзининг “Тарихи муҳожирон” асарида. У шогирдлари орасида: “Анборой саккиздан ўн тўрт ёшгача адаб таълимига машғул бўлди. Бу саккиз яшар қизча ёшлигига қарамай, ҳазрат Навоий ғазалиётларини ўрганишга беҳад қизиқарди. Умидим борки, қизча катта шоира бўлғусидир”⁸. Ҳақиқатдан ҳам Дилшод отин умид қилганидек, унинг шогирди Анбар отин номи билан катта шоира бўлиб етишди ва ўзбек адабиёти тарихида ўзининг бетакрор ижодий мероси билан ўрин олди. “Қизлар мактабларида ўқитиш тартиби ҳақида педагог олим

⁸ Кодирова М. Дилшод (ҳаёти ва ижоди). – Тошкент, 1971, 62-бет

У. Долимов қуйидаги маълумотларни келтиради. “Қизлар мактабларида ҳам ҳижо (бўгин-ҳосил усули) қўлланилган. Абжад ҳисоби ҳақида маълумот берилган. Абжаддан кейин “хафтияк” ўргатилган “хафтияк”да 13-14 кичик-кичик суралар жамланган бўлиб, “Қуръон”ни ўқиш ва ёдлаш учун бир босқичдир. Шунингдек, “Чор китоб” ўқитилган ва китоб ўқиб тугатилгач, форсий ва туркий адабиётнинг буюк намоёндаларидан Хўжа Ҳофиз, Алишер Навоий, Бедил, Фузулий, Сўфи Оллоёр ва бошқа ижодкорларнинг асарларини ўқиганлар”.⁹

Юқорида тилга олинган маълумотлардан кўринадики, ўсмир ёшидаги қизлар таҳсил олган мактабларда мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиш энг муҳими, мустақил китобхонлик масаласи яхши йўлга қўйилганлигидан дарак беради.

Маълумки, ўзбек халқи – ўтмишдан энг кўп шоира етиштирган бўлиб, улар қизлар мактабларида савод чиқармаганларида, мустақил китобхонлик қилмаганларида, подшоҳлар саройига мансуб бўлган Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодирабегимларини, XIX асрнинг ўзида Увайсий, Маҳзуна, Дилшоди Барно, Муаззамхон, Муаттархон, Анбар отин, Қамбарнисо, Мутриба, Нозимахоним каби ўнлаб машҳур шоиралар қаердан етишиб чиққан бўлар эди?

Шарқ алломаларидан бири, педагогикага оид қатор асарлар яратган Абдулла Авлониёв ўз ахлоқий – таълимий асарларини яратар экан, Шарқда машҳур бўлган ўзбек ва тожик алломаларининг асарларидан ижодий фойдаланади. Бу асарлар унинг педагогик ижодининг тараққиёти учун катта замин ҳозирлайди.

⁹ Улуғбек Долимов. Миллий уйғониш педагогикаси. Тошкент, нашриёти 2012, 34-35 бетлар.

Унинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китоби 64-бобдан иборат бўлиб деярли ҳар бир боби таълим - тарбия масаласига бағишланади ва бири иккинчисини тўлдиради, такомиллаштиради, ёзувчи бола тарбияси ҳақида сўз юритар экан, тарбия боланинг хулқига, хулқ атворига кучли таъсир этишини алоҳида таъкидлайди. Ота-оналар ўз болаларини турли тарбия усулларидан фойдаланиб, камолга етказишга чақиради.

“Ахлоқ тарбияси, – дейди Абдулла Авлоний, - инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи ахлоқий тарбиядир”.¹⁰

Дарҳақиқат, олим ахлоқий тарбия ҳақида фикр билдирар экан, Абдулла Авлонийнинг Шарқ педагогикаси фанини яхши билганидан, бу соҳада кучли ва кенг маълумотга эга бўлганидан далолат беради. Буни биз, алломанинг педагогикага биринчи марта Шарқона тўғри таъриф берганидан ҳам билиб олишимиз мумкин. У “Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир”, -дея номлайди. Ҳақиқатдан ҳам бола тарбиясида, у яшаб турган шароит, муҳит, кишиларнинг тутган ўрни ниҳоятда каттадир. Бу соҳада айниқса оила, мактаб шароити ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг баробарида, айниқса балоғат ёшидаги қиз болалар ахлоқига, маънавиятига хулқ-атворига кучли таъсир этади.

Таълим билан тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ бир бутун жараён ҳисобланади. Шарқ халқларининг асрлар мобайнида орттирган тажрибаларидан келиб чиқиб, балоғат ёшидаги қиз болаларнинг, ахлоқий,

¹⁰ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўқитувчи, 1992. 16-бет.

маърифий, маънавий тарбиясини рамзий маънода уч тоифага бўлиш мумкин:

Биринчиси: Бу тоифага оқ билан қорани билмайдиган, фарқига бормайдиган қиз болалар киради. Улар табиатида ёмонлик, ахлоқсизлик, шаклланмаган. Бундай қизларга панд-насихат тез таъсир қилади. Шу боис уларни тўғри йўлга солиш, тушунтириш осон йўл билан амалга оширилади.

Иккинчи тоифа қизлар, атрофидаги катталар, дўстларининг таъсири натижасида оқ қорани ажратадиган бўладилар. Улар фикридаги қисман ҳосил бўлган иккиланишлар туфайли, яхшилик, эзгулик сари қадам қўйишлари бир оз қийин кечади. Улар айрим ҳолларда ўзларидаги камчиликларнинг хато эканлигини тушунадилар. Бундай қизларни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ кечади. Аммо уларга доимий равишда катталар ҳар томондан насихатлар ва танбеҳлар бериб борилса, эътибордан четда қолдирилмаса яхши хулқли қилиб тарбиялаш мумкин.

Учинчи тоифага мансуб ўсмир қизлар тарбияси бир оз мураккаб бўлиб, улар вояга етаётган оила муҳити билан боғлиқдир. Чунки бундай оилада, катталар томонидан муттасил ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келиш одат тусига кирган ва шунга ўсиб келаётган қизларни ишонтирган. Ёки, ёмонлик қилсалар ҳам ўзларича яхшилик деб ҳисоблайдиган оилаларда оддий ҳодиса дея қараганлар. Бу ҳол ўсмир қизлар руҳиятига вақт ўтиши билан сингиб боради. Бундай қизларни ахлоқли қилиб тарбиялаш анча мушкулдир. Шунинг учун ҳам халқимиз азалдан яхши ва ёмон хулқларнинг ҳосил бўлиш сабабларини оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, ахлоқсиз, одобсиз, онадан туғилган ва разил, виждонсиз

ота кўлида тарбияланган қизлардан яхшилик кутиш кийин деб ҳисоблаганлар.

Ҳақиқатдан ҳам чиройли хулқ худди офтобга ўхшайди. Офтоб музни эритгани каби, чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

Халқимизда яна бир буюк ҳикмат бор: “Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаган одамни етим де”.

Демак, инсон учун ахлоқ-одоб буюк инсоний фазилат саналар экан, балоғат ёшидаги қизларимизга айни шу ҳақиқатни тушунтириш, уларнинг ташқи ва ички дунёсининг қадри одоб билан бирга эканлигини англашиш ҳар бир тарбиячининг виждоний бурчидир.

2-ҚИСМ. ЎСМИР ҚИЗЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ

Дарҳақиқат, айниқса ўсмир ёшларимизга ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун қандай асарларни ўқиш лозимлигини кўрсатиб беришимиз учун ота-она, ўқитувчи, кутубхоначи ва яқин кишилари маъсулдир.

Чунки, келажагимиз бўлган ёш авлодни маънавий етук шахс сифатида тарбиялашда зарур бўлган имон, эътиқод, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб сабоқлари хазинаси китоб оламида жамланганлигини яхши биламиз.

Маълумки, инсоннинг асл қиёфаси унинг ширинсўзлиги, меҳрибонлиги, олижаноблиги сингари сифатлари билан намоён бўлади. Бу ижобий хислатлари бевосита гўзал сўзларни ишлатиши орқали, гўзал нутқи воситасида амалга оширилади. Китоб оламида эса бу ижобий сўз жамланмаси мужассамланган бўлиб, улардан фойдаланиш учун китоб мутолааси муҳим манбадир. Бу хислат эса маънавият билан боғлиқ бўлиб ҳар қандай инсоннинг у руҳий, ақлий оламини ифодаловчи тушунчадир. Шундай экан, ҳар бир шахснинг ақлий заковатини ёритувчи илмга интилиш орқали, жамиятда асосий ўрин тутган фаолият билан амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, китоб инсоншуносликка йўл кўрсатадиган, ижобий маънода ҳаётда кўзлаган мақсадини белгилаб берадиган маънавий-маърифий хазинадир.

“Маънавият атамасининг кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, бевосита инсон учун зарур бўлган фалсафий дунёқараш, ҳуқуқий илмга эга бўлиш, илмий, бадий

тафаккур дунёси ҳақида тасаввур ҳамда ахлоқий, диний илмларнинг билимдони бўлиш билан изоҳланади.”¹¹

Аслида, балоғат ёшидаги йигит-қизлар, энг мураккаб, англаб бўлмас кечинмаларни бошидан кечираётган, тез ўзгарувчан феъл-атвори намоён бўладиган, ўзларининг ташқи кўринишларига бино кўядиган ўткинчи ҳис-туйғуларга бериладиган даврни ўтаётган бўлади. Олимлар айнан ана шу даврни икки тоифага ажратиб илмий талқин қиладилар. Яъни, зоҳирий ва ботиний, ташқи ва ички кўриниш шаклига асосланиб уларнинг маънавияти, ахлоқи, дунёқарашига баҳо берадилар. Айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ўсмир ёшларда ташқи ва ички кўриниш содда ва самимий кўринишда аста-секинлик билан шаклланиб боради. Кейинчалик, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ички ва ташқи кўринишнинг ўзига хос кўринишлари намоён бўла бошлайди.

Табиийки, оиладаги миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги, маънавият-ахлоқий қадриятлар устивор бўлса, энг асосий ички маънавий олами бойиб боради. Ташқи оламига унинг бўйи-басти, кўриниши, кийиниши, ҳатти-ҳаракати ҳусни, малоҳати ва бошқалар киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиш, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавиятдир”¹²

Дарҳақиқат юқорида келтирилган фикрлар илмий манбалар асосида изоҳланган бўлиб, инсоннинг ички маънавиятини қисқа ёритиб берган. Бу мулоҳазалар

¹¹ Оила энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти. Тошкент 2019 й. 78-бет.

¹² Оила энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти Тошкент 2019 й. 78 - бет.

бевосита ва билвосита ҳар бир инсон учун муҳим тарбия мезонидир.

Хусусан, айниқса ёшларнинг ички маънавиятини шакллантириш муҳим ахлоқий-маънавий жараён ҳисобланади. Энг муҳими, уларнинг яшашдан мақсадини уқтириши, ва шу омил орқали комил инсон учун зарур бўлган фазилатларни сингдириш энг асосий маънавий таълимотдир.

Комил инсон ва уларни тарбиялаш халқимизнинг азалий, тарихий, ўзига хос урф-одат ва анъаналарида, ҳаётий қадриятларида, маънавий, адабий меросларида, маданий асори-атиқалари ва ёдгорликларида мужассамлашган.

Энг муҳими, маънавий маърифатга эга инсоннинг қобилияти, истеъдоди, ўз юртининг, жамиятнинг фахри, ифтихори, обрў-эътибори ҳисобланади. Айниқса, балоғат ёшидаги йигит-қизларнинг соғлом ақли, фикри ва яхши хулқи жамиятнинг асосий маънавий бойлигидир.

Табиийки, маънавий-маърифий бойликнинг ҳар томонлама равнақ топишида энг муҳим манба бу бевосита китобхонлик, оммавий ахборот манбалари ҳисобланган газета журналлар, интернет тармоқларига киритилган янги илмий-назарий маълумотлар билан узвий боғлиқдир.

Бу манбалар инсон фикрий оламини бойитиш баробарида, унга руҳий озиқ куч-қудрат бағишлайди. Оилада вояга етаётган ўсмир қиз-йигитларнинг тарбия олаётган муҳити, ота-оналарнинг уларга муносабати, оилада ўрнатилган тарбия услублари бевосита кўп жиҳатдан уларнинг ўзаро муносабатларида акс этади. Биринчидан, ўсмирларнинг ота-она, бува-буви, ака-опа яқинлари даврасида ўзаро меҳр-муҳаббатини ҳис этмаса, кейинги мустақил ҳаёт босқичларида йўқотилган оилавий

меҳр ўрнини ҳеч нарса босаолмайди. Айнан ана шу даврда айниқса ўсмир қизлар тарбиясига кескин таъсир қиладиган меҳрсизлик бўлган ҳатти-ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатиши мумкин. Бу эса, уларнинг маънавиятсизлигига қўйилган қадамлардан бири ҳисобланади.

Шундай экан, ўсмир ёшдаги қизларнинг туғилиб ўсган оиласи, уни ўраб турган муҳитнинг маънавий кенг мушоҳада дунёси, савияси қанчалик юқори бўлса, унда вояга етаётган фарзанднинг маънавияти шунчалик кучли бўлади.

Мана шу ўринда ахлоқий дунёқараш билан боғлиқ мулоҳазалар ҳам ўсмир қизлар дунёқарашига оид маълум тарбиявий омиллардан биридир.

Унинг мазмун – моҳиятига эътибор қаратар эканмиз, “ахлоқ” атамаси араб тилидан олинган бўлиб, хулқ сўзининг кўплигини ифодалайди. Яъни кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос қоидалар мажмуаси бўлиш билан биргаликда маънавий тарбия соҳасига оид инсоний тушунчадир.

Аслида, ахлоқ инсон муносабатларининг ёзилмаган, бироқ эл-юрт томонидан қабул қилинган “олтин қоидалар”дан бири ҳисобланади. Энг муҳими, ўсмир қизлар ахлоқи билан боғлиқ муносабатлар замирида, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий тарбиянинг энг асосий мезонларидан бири, ўз ҳатти-ҳаракатларини англаш ва изга солиш, бир сўз билан айтганда ўзлигини ҳис қилишда табиийки китобхонликнинг ўрни беқиёсдир. Бу ўринда бадиий адабиёт, санъат намуналари, буюқ тарихий шахслар ҳаёти акс этган асарлар, ибратли ҳикоя ва ривоятлар ёш

авлодни ахлоқий маърифатини оширишда бебаҳо хазина ҳисобланади.

Ахлоқ тушунчаси ўзбек халқининг қони, руҳиятига сингиб кетган нозик туйғу ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, халқ оғзаки ижоди намуналари, адабиёти ва турмуш тарзида акс этган миллий қадриятдир.

Шу ўринда шоир Аҳмад Донишнинг ўз фарзандларига насиҳат қилиб, “Суратларингни эмас, сийратларингни тузатинглар, ўсмир, балоғат ёшидаги қиз” деган эди. Ахлоқий мулоҳазалар ёдга тушади. Шоир айтганидек инсоннинг ташқи гўзаллигидан унинг ички, маънавий руҳини билиш мумкин. Ҳар қанча гўзал ва чиройли бўлмасин унинг ахлоқи бузуқ бўлса у эл эътиборини қозона олмайди. Айниқса, улар ўша ёшда ўзининг беғубор гўзаллиги билан кишилар эътиборини ўзига тортади. Айнан ана шу даврда, уларнинг одобига, сўзига, ўзини тутишига алоҳида эътибор қилиш даври ҳам ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, қизлар учун латофатли бўлиш инсоний фазилатдир. Бу фазилат сиртдан қараганда жуда оддий бир кўринишдан иборат бўлиб, аслида эса катта маънавий-ахлоқий тарбия мезони саналади.

Айтайлик, латофатли балоғат ёшидаги ўсмир қиз, рўпарасида келаётган эркак киши назарига тушмасликнинг оддий, аммо шарқона қабул қилинган яъни, ўзини четга олиш, эркак кишининг юзига тик қарамаслик, иложи борича уларнинг назарига тушмаслик каби қоидалардир. Бу қоида ни ўзга миллат, ғарб ёшларига тушунтиришнинг иложи йўқ. Чунки бу қоида улар учун бир мунча нотаниш ҳолатдир. Шунинг учун ҳам, бизнинг қизларимизга, аниқроғи Шарқ халқларига

хос бўлган, чуқур одоб қоидасининг мезони ниҳоятда кенг бўлиб, чуқур ахлоқий мазмунга эга. Шунинг учун ҳам, Шарқ аёлларининг иффати, одоб-ахлоқи, дид-фаросати ва назокати бошқа миллат халқларининг ахлоқий тарбия ҳаётида айнан учратиш қийин.

Ўзбек халқининг қиз фарзандларга илтифоти ўзгача бўлиб, азалий удумларнинг илдизи ниҳоятда қадим замонларга бориб тақалади.

Шу боисдан бўлса керакки, ҳадисларда ҳам Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган китобларидан ҳам қизлар ҳақида, уларни боқиб, вояга етказганлар ҳақида жуда илиқ гаплар айтилган. Чунончи, икки қиз фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказган одам билан Мен жаннатда бирга бўламан. Ёки “Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир”, дейилади.

“Оилада” қизларнинг ўсиш жараёнини кузатиб бориш унинг ҳар бир ҳаракатини назорат қилиш азалий удумларга кўра ота-оналар эътиборидан четда қолмаган. Ана шундай эътиборли дамларнинг кўпчилиги халқда юртимизнинг айрим ҳудудларида “тўй” атамаси билан юритилиб тенгдошлари, оналари, амма, холалари ҳамда кўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари иштирокида тўй қилиб берилган ва ўсаётган қизларнинг сиқик кўнгилларини кўтаришга, уларга эрк беришга, қувноқлик, тенгқурлари даврасида у ёки бу муносабат билан ўтказиладиган йиғинларда иштирок этишларига имкон яратганлар.

Ана шундай қизлар йиғинларидан айримлари халқимиз урф-одатларида ҳанузгача сақланиб қолган. Кўпгина жойларда улар ўша ҳудудларга хос кишиларнинг анъанавий таомилларига мос номлар билан юритилиб

келинган. Бу ҳақда тадқиқотчи Ҳаёт Исмоиловнинг “Ўзбек тўйлари” деб номланган рисоласида ўсмир қизлар тарбиясида ўзбек халқининг миллий маросимлари ва урф-одат, расм-русумларида акс этган қизиқарли маълумотларни келтиради.

“... “Сарандоз тўй”-унга кўра қизлар етти ёшдан бошлаб бошларига рўмолни тенг иккига буклаб солиб, бўйнидан ёки пешонасидан боғлаб юрадilar. Рўмол аксарият ҳолларда оқ гоҳо қизил рангдаги матодан тайёрланган бўлади. Ана шу азалий удумларга кўра қизлар ўн бир ёшгача юрганлар”¹.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам қизлар ўн икки ёшга етганларидан бошлаб “Бошўров” деб номланган, дўпписимон бош кийим кийганлар. Шу бошўровга ўралган бир-икки қизил ипакли ёки чит матодан тайёрланган рўмолни салла шаклида ўраганлар, икки учи қизларнинг орқасига, сочи устига ташлаб қўйилади. Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида ўзига тўқ, бой-бадавлат хонадонда вояга етаётган қизлар учун ниҳоятда қимматбаҳо матолардан тикилган, тақинчоқлар билан безатилган бош кийим “Бой бош” деб юритилган. Бой хонадоннинг қизларини бу бош кийимни кийинтиришда хотин-қизлар йиғилишиб кичик тўй-тантана билан нишонлашган.

Камбағал оила қизлари учун мўлжалланган кийимбошлар содда, оддий матолардан тайёрланган бўлиб, бундай бош кийимлар номлари ҳам “камбағал бош” деб аталган.

Энг эътиборли томони шундаки, “Бош ўров” яъни “Сарандоз”ни кийдириш маросими учун бир никоҳли, пок ва ҳалол, узоқ умр кўрган, ували-жували аёллар дуолар ўқиб, амалга оширганлар.

Юқорида халқимизнинг тарихий урф-одатлари замирида жуда катта маънавий-маърифий, тарбиявий маъно мужассамланган. Энг эътиборли томони шундаки инсон аъзосининг қадрли қисми бўлган бошга нисбатан алоҳида ҳурмат билан қаралган ва бошланг юриш маъқул эмаслиги, айниқса, қизларнинг бош кийимда бўлишлари азалий қадрият ва удум ҳисобланган. Шунга кўра, ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла кўй, қизларни ёшлигиданоқ бош кийимда юришларига алоҳида эътибор берганлар.

Ҳатто, ўсмир қизларни бош кийими, кийган кийимларига қараб, уларнинг ёши, қайси тоифага мансублиги аниқланган.

Бир сўз билан айтганда, қизларнинг балоғат ёши билан боғлиқ халқимиз томонидан кашф қилинган урф-одатлар, миллий қадриятлар асрлар синовидан, халқимизнинг улкан тажрибаларидан ўтганлигидан сўнггина чиқарилган хулосалардан иборатдир.

Бу хулосалар замирида, ўзаро оилавий тотувликка, келажак тақдирларини белгилашда, қиз болалар ҳам оиланинг бир шахси сифатида эъзозланганлигидан дарак беради.

Ислом динида қабул қилинган ва белгиланган оятлар, сўралар ва бебаҳо ҳадиси шарифларда мулоҳазалар мавжуд одоб-ахлоқ мезонлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Чунончи, “Қуръони карим” инсон камолотининг асосий дастури ҳисобланар экан, унга амал қилган ҳар қандай инсонни юқори чўққига кўтаришнинг йўли ва тадбирлари кўрсатилганлиги билан қимматлидир. Ундаги ҳар бир оят кишининг кундалик ҳаётида белгилаб берилган одоб-ахлоқ мезонлари ҳам қайд этилган бўлиб, уларга оғишмай амал қилиш лозимлиги уқтирилган. Яъни, одоб инсоний фазилат эканлиги, киши қадрини

баланд қилувчи қимматли сифат эканлиги бот-бот такорланган.

Шундай экан, одоб билан ақл бир-бирига боғлиқ, ижобий хислат бўлиб, ҳар иккаласи мавжуд бўлсагина у камол топади.

Ҳалқимизнинг асрий тажрибалари жамланган “Ҳикматнома”да: “Адаб икки хилдир: Ҳикмат адаби ва хизмат адаби, Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат адаби эса, бадавлатлик ва обрўга етказди,”¹-деб бежиз айтилмаган. Аслида, шундай экан, ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳикоятлар, нақл ва ривоятлар ота-боболаримиз томонидан яратилган бўлиб, ёшларимизнинг маънавий қадриятларини шакллантиришда ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган.

Аслида ҳам фалсафий дунёқараш, илмий-баддий тафаккур бевосита ислом дини тарихи билан узвий ўзаро боғлиқдир.

Мана Ислом дини тарихи ўн тўрт асрдан буён инсониятнинг каттагина қисмини, жумладан халқимизни эзгуликка, инсониятни тинчлик- хотиржамликка чорлаб келади. Энг муҳими, динимизнинг умуминсоний қадриятларни тарғиб қилишдаги ўрни ва аҳамияти шунингдек, ислом ҳаёт фалсафаси эканлиги асрлар давомида исботланган ҳақиқатдир. Энг муҳими, жамият, оила аъзоларини энг юксак башарий фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашдаги диний эътиқодларнинг ўрни беқиёсдир. Бу эзгу омалларнинг ҳаётдаги аҳамиятини ватандош уламоларимизнинг дин тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларидан билиб олишимиз мумкин.

Айниқса, оилада ёшларимизни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда, умуминсоний қадриятлар қаторида ислом ахлоқи асосларини ҳам замон талаблари замирида

фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бебаҳо манба ҳисобланади.

Шу ўринда, Мовароуннаҳру Хуросан диёрининг азалдан маърифат ва дину диёнат ўчоғи, уламо ва фузалолар юрти эканлигини эслашнинг ўзи муҳим аҳамиятга эгадир. Бу давр бевосита Амир Темур шажараси билан узвий боғлиқ бўлиб, соҳибқирон оиласининг асосий таълим-тарбиявий дастури диний эътиқод асосида амалга оширилган. Айниқса, унинг авлод-аждоди хусусан фарзандлари муқаддас Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳадисларида айтилганидек оилада “Отага итоат қилиш –Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш –Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир”, - деган ақидага ҳамиша амал қилиб келганлар.

Ҳақиқатдан ҳам бу муқаддас манбалар, аждодларимизнинг ўғит-насихатлари инсониятнинг қолаверса, оила деб аталмиш муқаддас курғоннинг эзгуликка ва тинчлик - хотиржамликка чорлаб келмоқда.

Энг эътиборли томони шундаки, Ислом дини, аёлларга алоҳида шахс сифатига қараб, диний, ақидалар асосида алоҳида ҳукмларни жорий қилган. Яъни, уларнинг шахсини ҳимоя қилиш, давлат ишларида иштирок этиш, илм олиш ва эркин фикрлаш ҳуқуқини берган. Шунингдек, улар онги тафаккурини билимини, маданияти-маърифатини оширишга имкон берган. Натижада маърифий-маънавий жиҳатдан диний эътиқодга эга аёллар қарамликдан, муътеликдан қутилиш имконига эга ҳам бўлганлар.

Мазкур диний-маърифий кадриятларнинг ижобий томонлари бугунги кунларда ҳам айрим оилаларда сақланиб келаётганлиги катта аҳамиятга молик ҳолдир. Табиийки, ҳар қандай кўринишдаги миллий ахлоқ

тушунчаси оиладаги муҳитда ривожланиб шаклланиб боради. Ахлоқ маълумки, маънавиятнинг таркибий қисми эканлиги туфайли оилада вояга етаётган ўсмирларнинг маънавиятини шакллантириш даражасини аниқлаш муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ҳалқимизнинг асрий тажрибалари жамланган “Ҳикматнома”да: “Адаб икки хилдир: Ҳикмат адаби ва хизмат адаби, Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат адаби эса, бадавлатлик ва обрўга етказди,”¹³ – деб бежиз айтилмаган. Аслида, шундай экан, ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳикоялар, нақл ва ривоятлар ота-боболаримиз томонидан яратилган бўлиб, ёшларимизнинг маънавий қадриятларини шакллантиришда ҳамisha муҳим аҳамият касб этиб келган.

¹³ Ҳикматнома. Тошкент, Чўлпон. 1992, 38-бет

3-ҚИСМ. ЎСМИР ҚИЗЛАР МАЪНАВИЙ - АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ўсмир қизлар маънавий - ахлоқий дунёқарашларини китобхонлик асосида шакллантиришда психологик ёрдам кўрсатиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ўсмир қизлар руҳиятидаги ўзгариш, сезиларли даражада бўлмасада айрим муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Айниқса, халқимизнинг азалий удумларидан “Оталарга ғамхўрлик” туйғуси мавжуд бўлиб, ҳозирги педагогик илмда “Патернализм” атамаси билан номланади. Яъни, бу атама латин тилидан олинган бўлиб, “Pater- ота paternus-оталарча” маъноларини билдиради.

Ўсмир қизларни маънавий, ахлоқий дунёқарашларини шакллантиришда энг асосий психологик хусусиятларини шакллантиришда, оилада ота-онанинг обрў - эътиборлилиги, фарзандлар тарбияси ва оила фаровонлигидаги ўз ўрни ва бунинг оила аъзолари томонидан онгли адо этилиши бевосита психологик маслаҳат бериш имкониятини вужудга келтиради.

Бундан ташқари, оиладаги кексалар, қариялар томонидан ёшларга бериладиган психологик ёрдам бирдан ўз таъсирини намоён этмаслиги мумкин. Аммо, оиладаги ўзаро иноқлик муносабатлари аста-секин ўз таъсирини намоён эта бориши тажрибада синалган. Ўсмир қизларга шу ўринда оталарча ғамхўрлик муҳим педагогик-психологик аҳамиятга эга бўлади.

Айрим ҳолларда ўсмир қизлар ҳаётида, атрофдаги яқинларига маълум бўлмаган руҳий ўзгариш вужудга келганда психолог - мутахассисга мурожаат қилишга,

унинг маслаҳатини олишга тўғри келади. Мисол учун ўсмир қиз яқин кишини йўқотган, бирор нохуш вазиятдан ғам – қайғуга дуч келган бўлса, ёки яқинлари билан жиддий зиддиятга борган бўлса, психолог - мутахассис уни ўша нохуш ҳолатдан чиқаришга ҳаракат қилиши керак.

Энг, аввало мижози бўлган ўсмир қизни, эмоционал ҳолатини енгиллаштириши, улар билан оддий, содда, чин юракдан ёндашиши воситаси орқали суҳбатлашиши лозим бўлади. Одатда, ўсмир қизлар ўзини қийнаётган муаммолар ҳақида ҳамма билан очиқ-ойдин суҳбатлашавермайди.

Мутахассис билан бўлган сокин ва психологик йўналишдаги мулоҳазали суҳбат, ўсмир қизни қийнаётган муаммоларни аниқлаш имкониятини яратади. У беихтиёр қалбида кечаётган изтиробини бирма-бир сўзлаб бераётганлигини сезмай қолади.

Ўсмир қизлар руҳиятини ўрганишда, психолог - мутахассиснинг эътибор қаратиши лозим бўлган яна бир муҳим ҳолат мавжуд. Бу ёш мижозининг унда содир бўлган барча ўзгаришлар маъсулятини ўз зиммасига олиши билан боғлиқдир.

Маълумки, психолог, педагогнинг фаолиятини асл мақсади, ўсиб келаётган, ўсмирлик ёшлик даврида, уларнинг ҳар томонлама, ахлоқий, маънавий –маърифий жиҳатдан шаклланиши, ривожланиши ва психологик саломатлигини муҳофаза қилиш учун психологик – педагогик шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Айниқса, ўсмир қизлар шахсини индивидуал хусусиятларини, қайсидир соҳага доир қизиқиш ва лаёқатларини, қобилиятларини ривожлантиришда психологик имкониятлардан унумли фойдаланиш муҳим педагогик аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда кўп учрайдиган салбий иллатлар бу ёш йигит – қизнинг ҳолатини, вазиятини назорат қилиш, педагог, психолог, маҳалла фаоллари, олдида турган ўта муҳим ижтимоий педагогик – психологик заруратга айланмоқда.

Айниқса, ўсмир қизлар вояга етаётган салбий оилавий муҳит сабаб, ўзлари учун қулай, кўнгиллари таскин топадиган шароитни, имкониятни қидиришга интилади. Масалан, ёшликнинг энг беғубор туйғуси бўлган илк муҳаббат, унга сирдош бўлган дўст, кейинчалик уни яширин орзулар оғушига етаклайдиган хаёлий орзулар балоғат ёшидаги қизларни ўз домига торта бошлайди. Уларнинг юриш – туришлари, ўзига эътибор беришлари секин – аста ўз таъсирини намоён этади. Қизлардаги бу ўзгаришни кузатиш ва назорат қилиш, аввало оилада оналар, мактабда ўқитувчилар, маҳалла –фаоллари эътибор бермоғи лозим.

Чунки, салбий оила муҳитида вояга етаётган қизлар, ўзларига нажот берувчи севги туйғуси, кечириб бўлмас хатоларга етаклаши мумкин.

Севиқли пайғамбаримиз саллаллоху алайху вассалом саҳобаларига:

“Ахлатхонада битган гулдан эҳтиёт бўлинг”, - дедилар. Асҳоб: “Ахлатхонада битган гул, ким эй Аллоҳнинг Расули” деб сўрадилар: “Ёмон муҳитда , исломий тарбиядан узоқ, ахлоқсиз бир оилада етишган аёл”, - деб жавоб берадилар. Бу фикрлар шарафли ҳадислардан олинган бўлиб, бугун балоғатга етаётган қизларимизга ҳам тааллуқлидир.

Ҳақиқатдан ҳам, ноқобил оиланинг беғуноҳ фарзанди, беғубор муҳаббатнинг домига тушган қаттиқ зарбага учраши мумкин.

Аслида, табиат қизларни латиф, беғубор қилиб яратади. Аммо ҳаёт қийинчиликлари уларни синовдан ўтказади. У дастлаб ота – онасининг бағрида ўн етти – ўн саккиз йил яшаб, шу оиланинг урф – одатларини, ҳаёт тарзини, дунёқарашини танасига сингдириб, ота – онанинг касби – корини ўрганиб вояга етади.

Айрим маърифатли хонадонларда яхши бир одатларга, кексалар томонидан ўрни билан айтиб бориладиган анъаналарга дуч келасиз, яъни бу шарқона педагогика деб аташ мумкин бўлган, ҳалқимиз томонидан фарзандлар учун айтиладиган ҳикматли сўзлар, буюк алломаларнинг ибратли мулоҳазаларидан иштибоҳлар келтириш урф бўлганини кўриш мумкин. Чунки, бу ҳикматли, ибратли сўз ёки иборалар, мақоллар аجدодларимизнинг бизга қолдирган ақлий меъросидир. Оилавий, руҳий, маънавий тарбия, биринчи навбатда оилада амалга оширилишини назарда тутиш керак.

Оилада удум бўлган мерос ўтмишда ҳам, ўз қимматини йўқотмаган хазинадир. Ҳалқимизда “Етти ўлчаб бир кес” деган мақол бор. Бу мақол замирида катта маъно мавжуд бўлиб балоғат ёшидаги ўсмир қизларга ҳар доим айтадиган панду – насиҳатдан кўра, юқоридаги мақол воситасида, унинг маъносини шарҳлаш йўли билан, қиладиган ишларининг ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказмаслиги учун пухта, пишиқ қилиш лозимлигини уқтиради. Ёки ҳалқимиз “Қуш уясида кўрганини қилади” деган мақолни бот-бот ишлатади.

Табиийки, ўсмир қизларга психологик ёрдам беришда мутахассис ўз мижозининг шахсий қизиқишларига, қобилиятига, руҳий ҳолати ва саломатлигига алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Одатда, ўсмир қизларнинг руҳий ҳолатига оиладаги муҳит, иқлим баъзан салбий, баъзан ижобий ўз таъсирини

кўрсатиб туради. Айниқса оиладаги салбий муҳитнинг келиб чиқиш сабаблари шаклида бўлиши мумкин. Педагог ёки психолог, оиладаги салбий ҳолатни ўрганиш ва бартараф қилишнинг мақбул ечимини топиши лозим.

Кузатилган натижаларга кўра, салбий муҳит мавжуд бўлган оилаларда вояга етган ўсмирлар феъл – атворида жиззакилик, ёки аксинча, лоқайдлик ва бепарволик иллати юқори даражада бўлиб, уларнинг маънавиятини педагогик маҳоратга таянган ҳолда ўзига хос усулларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Бугунги кунда, салбий муҳит туфайли баъзан тиклаб бўлмас хатолар, ҳалокатлар, ўз жонига қасд қилиш, эрта ҳомиладорлик каби иллатлар кўзга ташланиб туради. Бу ҳолатнинг асосий боиси, ўсмир қизларнинг тасавурида илк муҳаббат худди куёшдай ёки оташдай ўзининг жалб қилувчи, ўзига тортувчи нажотдек туюлади. Аслида, ўсмирнинг инон ихтиёрини сеҳрлаб қўйгани боис, ўз - ўзини бошқара олмайди, илк муҳаббат туйғусини ҳис қилган ўсмир қизлар ўзлари тушунмайдиган қандайдир сирга, уларнинг ихтиёрига тобе бўлмаган қудратли кучга дуч келади. Энг эътиборли томони шундаки, у кўнгил қўйган ўзи тенги ўсмир, ёки каттароқ йигитнинг муҳаббатига жавобан изҳори чинакамми ёки ўткинчими буни ўйламайдилар ва фарқ қилишмайдилар. Чунки, шашқалоклик сабаб, улар бу ҳис – туйғу ҳақиқийми ёки сохтами буни ўйлаб ўтиришмайди. Натижада сохта ҳирсий туйғунинг қурбонига айланадилар. Бир сўз билан айтганда алданадилар. Чунки, ҳирс бу ҳайвонларча рўпарасидаги қизга ташланиши, одам боласига ярашмайдиган хунук, тубан ишлар қилиш, зўрлик ё алдов нафсини қондириш яъни нафс балосидир.

Йигитлар бундай нодон қизларни ўз тузоғига илинтириш пайида юради. Айнан ана шу алдов тузоғига

илинган ўсмир қизлар эртами – кечми салбий оқибатларга рўбарў бўлади. Энг ёмони, мазкур салбий муҳаббат оқибатлари эл – юрт, қариндош уруғлар кўзи олдида рўй беради. Оилавий муҳити оғир, фарзандлари тарбиясига безътибор оиланинг ўсмир қизлари шундай салбий ҳолатга дуч келса, ҳалқимиз ўсмир қизга оиласи билан бирга кўшиб баҳо беради. Иродаси заиф, тушунчаси паст, одамийлик фазилатларидан маҳрум, оқибат туйғулари учун бегона, калтабин, қадамини кўриб – билиб босмайдиган кўзи очиқ кўрларнигина йўлдан адаштирадиган ўсмир қизларни тўғри йўлга солиш аввало ота-онанинг, ўқитувчиларнинг қолаверса маҳалла – куйнинг, психолог мутахассисларнинг вазифасидир.

Ўсмир қизларни муҳаббат борасида тўғри йўлга солиш, юқорида тилга олинган жамоа зиммасида бўлиш билан бир қаторда, уларни китобхонликка жалб қилиш воситаси билан ҳам амалга ошириш мумкин.

Чунки, китобларда ифодаланган ҳақиқий муҳаббатни сохта муҳаббатдан фарқлаш, чин муҳаббатни пок сақлашни авлодларга васият қилиб кетган улуғ донолар тилидан қаламга олинган қимматли ўғитлар бугунги ёшларимиз учун ҳам ўз қимматини йўқотмайди.

Агар инсон учун муқаддас бўлган чин муҳаббат бўлмаганда ҳазрат Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарларини, Абдулла Қодирий ўзининг асарида Кумушбиби билан Отабегини муҳаббат тимсоли сифатида яратмаган бўлар эди. Ёшларимиз катталарнинг ўғитларига эътибор берса ҳақиқий муҳаббат тараннум этилган асарларни ўқиса, ҳаётида учраган йигит билан танишган дастлабки кунлардан бошлаб, ҳамма ихтиёрини кўнгил раъйига бериб қўймай, ақл майлига қулоқ осган бўлади. Ёшлиқда, ўйламай қўйилган қадамнинг, фожианинг етказган жароҳати бир умр битмайди.

Кечагина ғам – ғуссадан йироқ ўйнаб – кулиб юрган бир бегуноҳ қиз бошига бунча, ҳатто ўз жонига қасд қилган нохушликни раво кўрган айбдорлар аввало ота – онанинг бефарқлиги бўлса, уни атрофидаги ўқитувчилар, маҳалла куй, қариндош – уруғлар бўлиб қолади. Қолаверса, ўсмир қизнинг ақлсизлиги, маънавий – маърифий ақлсизлиги ҳам асосий сабаблардан биридир.

Ёшларимиз китобхонликка меҳр қўйса асарлардаги ҳаққоний ҳаёт акс эттирилган воқеалардан воқиф бўлади, чунки ҳар бир асарнинг манбаи – ҳаётнинг ўзи эканига амин бўлади.

Дарҳақиқат, китобхонликка жалб этиш ҳам халқ педагогикасининг узвий қисмини ташкил этади. Бу манба халқ пайдо бўлган даврдан бошлаб халқ донишмандлиги ва одабномасининг бу нодир соҳаси ижтимоий маиший-ахлоқий ҳаётнинг барча томонларини, халқ оғзаки ижоди, қадршунослик, удумшунослик ва маросимшуносликнинг етакчи йўналишларини, диний-ахлоқий таълимотини қамраб олиши билан характерлидир. Демак, ўзбек халқ педагогикаси ёшлар онгига маънавий-ахлоқий тарбияни синдириш, шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Педагог ва психологларнинг кузатишлари ва ўрганишларига кўра ўсмир қизлар руҳиятида хаёл қилиш ва шу орқали ўз орзу – ўйларини баён қилиш ҳисси кучли бўлар экан. Бу масала юзасидан ҳам алломалар ўз фикр мулоҳазаларини ўз асарларида баён этган.

Жумладан буюк аллома Абу Наср Фаробий ўз асарларида юқоридаги инсон руҳияти билан боғлиқ фикрларини асрлар оша баён этган.

“Баъзида инсон феъли кўпроқ хаёл суришга боғлиқ бўлади, - деб ёзади Фаробий, - Бу шундайки, инсон бир нарсани бошқа бирор нарсада бор, деб тасаввур қилади.

Ҳатто, бу ёшда унинг борлиги ёлгон бўлиб, фақат хаёл қилинган тақдирда ҳам, бу ҳаракат феълни амалга оширади.

Чунончи, одамлар айтишадики агар киши бирор нарсага назар солса у нарса унинг хушкўрмайдиган нарсасига ўхшаган бўлса у ҳолда унинг тасаввурига, ўйига ўша заҳотиёқ бу нарсага нисбатан хушкўрмаслик хисси пайдо бўлади. Шу билан ҳалиги киши ўзини авайлаб – асраб четлашиб четлашиб юришга уринади.¹⁴

Олимнинг юқорида келтирган фикрларида теран маъно мавжуд бўлиб, у инсоннинг неча ёшда бўлишидан қатъий назар, хаёллари туфайли ҳаётда адашган ҳар бир инсон учун ўғит ва насиҳатдир.

Айниқса, ёшлар руҳиятида мавжуд бўлган хаёлпарастлик, ўзига ёқадиган, бўлиб турадиган воқеалар, уларда учрайдиган инсонлар, улар билан бўладиган муносабатларни тасаввурига келтиради ва ҳаётда унинг оқибатини ўйламай хатоликларга йўл қўядилар.

Нақл қилишларича, ҳар бир одамнинг ҳаёт йўли инсоният босиб ўтган ҳаёт йўлини, тарихини, баъзан авлодлардаги ирсий феъл атворни айнан тақрорлар экан, бу сўзлар маълум даражада ҳақиқатни ҳам ифода қилади.

Этибор беринг, бола туғилади, она алласини эшитади, ҳарф ўрганади, фикрлайди, хаёлий орзуларга берилади, секин – аста атрофидаги одамларни танийди ва уларга баҳо беради, ҳаёти бир маромда давом этади. Агар барча одамлар ҳаёти шу тарзда давом қиладиган бўлганда эди, ҳаёти ва тақдири яхшилик ва эзгуликка бағишлаганда эди, дунёни гўзаллик эгаллаган бўлар эди.

¹⁴ Абу Носир Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 189-бет.

Афсуски ҳалқимиз таъбири билан айтганда, “Бир палакда, минг хил ҳамак” деганларидек, баъзи оила ёшлари бир парча латта – путта, мода кетидан кувиб, гўзалликни ҳис қилмайдиган, ундан завқланишмайдиган ёшларимиз сийрак бўлсада учраб турибди.

Бу нима – дидсизликми ёки маънавий қашшоқликми, аслида ҳар иккаласи ҳам бўлиб, маданиятсиз оилада, бефарқлик билан вояга етган ёшларимиздаги кечириб бўлмайдиган нуқсондир.

Шу ўринда, бир тасаввур қилинг бир балоғат ёшидаги ўсмирни кимсасиз, номаълум оролга ташлаб кетишсин. Демак, у умрини ёлғиз кун кечириш билан ўтказди. Негаки, бу кимсасиз оролда унинг инсоний туйғуларини тушунадиган, унга ҳамроҳ бўладиган, ҳамдари бўладиган бирон одам йўқ. У қандай одамга айланади. Одамлар яқинлари орасида бўла туриб бир мақсадни кўзламаган, дидсиз, фаросатсиз кимсадан қандай одам етишиб чиқади. Аслида, инсон гўзалликни қадрлай билса маънавий олами бой бўлса, инсоний туйғуларни тушина билса ўшандагина том маънода тирик инсон саналади. Бу инсоний хусусият фақат ҳаётга теран кўз билан қарашни ўргатадиган нарса китоб мутолаасидир. Тўғри, ёшларимиз китобни баъзан эрмак учун ўқийди, бироз хордиқ чиқариш учун ўқийди, айрим китобхонлар бошқа машғулоти бўлмаганидан, вақт ўтказиш учун китобдан ниманидир ўрганиш учун ёки бирон асардаги қаҳрамонларининг тақдирига қизиқиш китоб ўқийди.

Бундай қараганда диққат қилсангиз, ҳар хил китобхонлар борлигини биласиз. Лекин, муҳими китобни қай кўринишда ёшларимиз ўқимасин фойдадан ҳоли эмас.

Педагог ва психологларнинг эътироф этишларича, хулқ – атвори, ахлоқи бузуқлар, жамиятга зарар келтирадиганларнинг аксарияти болалиги ва ёшлигида яхши ўқимаган, яхши тарбия кўрмаган, ахлоқи майиб бўлиб вояга етганлар экан. Психолог ёш ўсмир қизга маслаҳат берар экан, халқ педагогикаси, унинг мустаҳкамлиги, оила ҳаётига тайёрлаш каби масалаларни ҳам инобатга олмоғи лозим. Шунингдек, китоб ўқиш тарғиботига ҳам эътибор бермоғи лозим. Чунки, китоб билан ошно бўлган йигит - қизларимиз унда тасвирланган воқеалар, ҳаққоний ҳаётни акс эттиришдан воқиф бўлади, ҳар қандай асарнинг манбаи ҳам ҳаётни ифодалашдан иборат эканлигини англайди.

Китоб қандай мавзуда бўлмасин уларининг ҳар бирида ёш китобхонлар тарбиясида ижобий таъсир кўрсатувчи чуқур маъно мавжуд бўлади. Айниқса, ўсмир ёшидаги қизларнинг психологик руҳиятига, ўзлари тенги ёшдаги қаҳрамонлар тасвирланган воқеалар, уларнинг кўнглига мос ҳатти-ҳаракатларига эътибор беради. Бу ўринда айниқса, халқ бадиий оғзаки ижоди асосида ўзига хос мазмундаги асарлар ва уларнинг умумтаълим мактабларининг ўқув дастурига киритилганлиги бежиз бўлмай, балки катта маънавий-маърифий мақсад инобатга олинган.

Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ”, шунингдек Гафур Ғуломнинг “Шум бола”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ва бошқа шу каби асарлар шулар жумласидандир.

Ўсмир ёки балоғат ёшидаги китобхонларни назарда тутиб қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов улар учун муҳум бўлган жиҳатларни тилга олиб ўтар экан, аввало ўз юрти тарихини билиш кўҳна асотирларни, классик адабиётда

акс этган маънавий биографияни билмаган ўқувчи руҳан қашшоқликка маҳкум ва улар ҳар бир замон ҳаётини англашга ожиз бўлиб қолишларини қуюнчаклик билан эътироф этади.

Аслида, болаликнинг “Оқ қанотли қушлари” – афсоналар ҳам қадимий мифлар ҳам, саргузашт эртақлар ҳам, сеҳрли эртақлар ҳам, шу бугуннинг манзараларини, ҳаётини, шу билан бирга ҳозирги замон муаммолари учун хизмат қилишини қисман ёшлар англаган ҳолда ҳаёлий – фантастик орзулар оғушида тасаввур қиладилар. Кейинчалик балоғат ёшига етганда ўзларини ҳаёлан ўша қаҳрамонлар ўрнида тасаввур қиладилар, ҳаётида илк учраган муаммоларни ўша қаҳрамонлар сингари сеҳрли тарзда ҳал бўлишини орзу қиладилар. Чунки муаммолари осон ҳал бўлган қаҳрамонлар ҳамиша эзгулик тантанасининг гувоҳи бўлишади. Ёмонликнинг мағлуб бўлишига доир фикрларни билиб оладилар.

Энг муҳими асардаги қаҳрамонлар воситаси орқали ифодаланган дидактика, у фақат панд – насиҳатлардан иборат бўлса асарларнинг тарбиявий таъсири заиф бўлиши ҳам аниқ. Бу фикрлар социологлар, психологлар, педагоглар, нафосатшуносларнинг кузатувларида асослаб берилган. Негаки фан ва техника, интернет асри шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ахборотнинг мавқеи ҳаддан ташқари кучайиб кетди. Ёшлар радио эшитади, телевизор томоша қилади, дунёдаги воқеалардан хабардор бўлиш учун интернет тармоғига боғланади. Шу боис, уларни панд-насиҳат билан дунёқарашини руҳий ҳолатини ўзгартириш имкони биров чекланган.

Ўсмир қизлар ўзининг тез ҳаяжонланиши билан боғлиқ руҳий ҳолати тез ўзгарувчан бўлишига сабаб юқорида айтилган замонавий техника асрининг таъсири

туфайли психолог маслаҳати ва ёрдам зарур эканлигини мутахассислар эътироф этмоқдалар. Аслида психолог ҳам шу муаммолардан келиб чиқиб мижози билан суҳбатлашганда ўсмирнинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришни ҳал қилишига ҳаракат қилади.

Аксари ҳолларда, ўта синчков бўлган ўсмир мижознинг мақсадини, психолог тушунмагандек тўғри баҳоламагандек ҳис қилади. Айтайлик, ўсмир қизнинг болалик севгиси қаршилиқка учрагани боис, ғам - қайғу изтироб чекаётган ҳолатда унинг эмоционал кайфиятини енгиллаштиришга уринган психологнинг унга ётиғи билан тушунтиришга интилишининг ўзи ҳам аслида панд - насиҳатнинг ўзидир. Маълумки ўсмир қизларимиздаги ўзбекона ҳаё, ибo ҳатто вужудидаги жисмоний ўзгаришлар ҳақида, руҳий ҳолати, ундан изтироб чекаётганлиги ҳақида, оиладаги яқинларига айтишга ийманадилар. Психолог билан самимий сокин ва мулоҳазали суҳбат ўсмир қизларга ва уни ўраб турган муҳит, яқинлари тўғрисида, зарурий қимматли маълумотларни бериши мумкин. Энг муҳими, ўсмир қизларда содир бўлаётган барча ўзгаришлар масъулиятини психолог ўз зиммасига олиши муҳимдир. Психолог яна, ўсмир қизларда рўй берадиган ҳолатнинг асл сабабчиси шахсан ўзи эканлигини англатиши ва айбини тушунтириши орқали мақсадга қадам босгандагина кўзлаган мақсадига эришиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўсмир қизлар шахсини шакллантириш, маънавий – маърифий, ахлоқий жиҳатларини таркиб топтиришда ва ривожлантиришда оиланинг ўрни беқиёсдир.

Шу боис, халқ педагогикаси, оила, унинг мустаҳкамлиги, ёшларни ҳаётга тайёрлаш каби масалаларни ҳал қилиш доимий равишда педагогика,

психология фанининг диққат марказида туриб келмоқда. Шунингдек, ўзбек халқ педагогикаси ва унинг таълим – тарбия, одоб-ахлоққа оид соҳаларни ёшлар руҳияти билан боғлиқ психология фани воситасида қиёсий ўрганиш ҳамда унинг тарбия шакли ва усуллари халқ анъаналарининг аҳамияти хусусида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда оилавий тарбия самарадорлигини оширишда халқ педагогикасининг ўрни ва аҳамияти ўзбек оилаларидаги тарбия имкониятлари, оилавий тарбиянинг таъсирчан воситалари ва уларни амалга оширишнинг ўзига хос усуллари амалиёт билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Маълумки, оилада болаларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш, бу жараёнда миллий қадрият, анъаналарнинг самараси ҳамда халқ педагогикаси ва психологияси фанининг имкониятларини аниқлаш, улардан унумли фойдаланиш масалалари ҳам долзарб масала сифатида эътиборга олинмоқда.

Бунинг учун, оилада болани маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг мазмунини аниқлаш, мақсад ва вазифаларини, ўзига хос хусусиятларини, мақсадли тарбия шакллари ва усулларининг мукамал тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Бу масала бевосита ўзбек оиласи, уларда яшаётган жамоанинг ҳаёт тарзи, касб-кори ва ҳаётий тажриба ва анъаналари, ўзбек аёллари ва ўсмир қизларнинг оиладаги ижтимоий –психологик мавқеи, оила аъзоларининг бола тарбияси ва оила муҳитига таъсири билан узвий боғлиқдир.

Шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятлар, шарқона урф-одатлар ва улардан ўрни билан фойдаланиш ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан тадқиқ қилишни талаб қилади.

Шунинг билан бир қаторда, оилада инобатга олинган тарбия масаласи бевосита куйидаги тамойиллар билан ҳам узвий боғлиқдир, яъни таълим масканларида илм бериш ва илм олиш, комил инсон учун муҳим бўлган фазилатларни сингдириш муҳим. Халқ педагогикаси ва психологияси илмининг олдида турган тамойиллардан муҳими ҳисобланади. Дастлаб бу тамойиллар асосан оилада шаклланиб боради.

Ўзбекистонда ёшлар тарбияси, оила масалалари давлат сиёсати даражасида қаралади. 2018 йилнинг 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин – қизларни қўллаб – қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” ПФ – 5325-сонли фармонида бой маъданий тарихий мерос анъанавий шарқона оилавий миллий кадриятлар, оилани сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтган. Шунингдек оилавий муносабатларни ўзаро тотувлик ва муҳаббат, ўзаро ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг маъсуллиги ҳисси асосида кўришдан оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат эканлиги алоҳида белгилаб берилган.

Фармонда замонавий намунали, ибратли оилаларни шакллантириш, унинг маънавий ахлоқий негизлари ва илдизларини анъанавий асрлар давомида амал қилинган оилавий кадриятларини мустаҳкамлаш ва кадрлаш бўйича мақсадли ишлар ва тадбирлар олиб бориш зарурлиги таъкидланган. Бу борадаги оила, ёшлар тарбияси муаммоларини ҳал этишда махсус фанларнинг илмий – тадқиқот объектига киритиш ва инобатга олиш,

этироф этилган назарий ҳамда методологик қарашларга таяниб изчил таҳлил қилиш, ўрганиш, оилавий тушунчаларни тизимлаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Мазкур қарор замирида теран маъно мавжуд бўлиб, асосий этибор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига оилада маънавий –ахлоқий тарбия, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар, тиббий маданият, ўзаро оилавий муносабатлар психологияси каби тадбир ва муаммоларни ҳал қилиш ҳамда янада такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Оила учун энг зарур қўлланма, бадиий – адабий, таълимий-тарбиявий, ахлоқий, педагогик-психологик, ҳуқуқий, тиббий мавзуларга доир асарлар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ – 3808- сонли қарорига биноан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепсиясида “Оиланинг тарбиявий – таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оила қадриятларини сақлаш, оилаларда маънавий – ахлоқий муҳитни яхшилаш” учун зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур белгилаб берилган вазифалар ёш авлодда маънавий – ахлоқий қадриятларни ва ота –онага, яқинларига ўзаро шарқона ҳурматни шакллантиришга қаратилган. Шунингдек оиланинг, уларда вояга етаётган ёшларнинг тарбиявий маданий салоҳиятини ошириш масаласи алоҳида уқтирилган.

Шунингдек, Концепцияда ўсмир йигит – қизларнинг оиладаги асосий вазифаларидан бири, оилавий ва авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни сақлашдаги иштироки ҳақида ҳам сўз боради.

Табийки, концепцияда тилга олинган чора — тадбирлар заминиди, оиланинг ички ва ташқи шахсий ўзаро муносабатлари ўсмир ёшидаги болалар учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Чунки, ўзаро аҳил оилада, болаларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, ахлоқий тарбиясизлик, жиноятлар содир этиш ҳолатлари кам учрайди. Шу нуқтаи назардан келиб — чиқиб, ҳар бир оила аъзосининг билим ва савияси даражасини ошириш ва маҳалла куйдаги ибратли оилалар тажрибасидан фойдаланиш масалаларига эътибор бериш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Сиртдан қараганда, оила илми ёшлар муаммосига доир маълумотлар чексиз уммонни ташкил этади. Уларнинг ўзига хос жиҳатларини, қонуниятларини, неча ёшда бўлишидан қатъий назар чуқур ўрганиш ва талқин қилиш имкониятларига доир қатор чиқарилган қарорлар айнан шу масалаларга қаратилган.

ХУЛОСА

Олиб боридиган тадқиқотлар давомида ўсмир қизларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашларини китобхонлик асосида шакллантириш мавзусига доир қуйидаги хулосалар чиқарилди.

1. Ўсмир қизларнинг дунёқарашларини шакллантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий тушунчаларини бойитиш асносида Шарқ мутафаккирлари ижодидан фойдаланиш, халқ оғзаки ижоди намуналари, уларда акс этган миллий қадриятлар ва урф-одатлар ҳақида тушунчалар бериш, маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳим шартларидан биридир.

2. Китобхонлик учун махсус танланган асарлардаги ўсмир қизлар учун долзарб бўлган ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимларига хос бўлган жиҳатларига эътибор бериш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияларини шакллантиришда хизмат қилиши лозим бўлган томонларига диққат қилиш ва илмий педагогик талқин қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, улар ўқиган асарларидаги қаҳрамонларнинг ички руҳий дунёсига ахлоқий нуқтаи назарда ёндашиш кўникмасини ҳосил қилиш табиийки китобхонликка меҳр қўйиш туйғусини уйғотади.

3. Ўсмир қизлар ўқиган китоблари воситасида турли баҳс-мунозаралар ўтказиш, китобхонлар кўрик-танловлари тадбирларини ўтказиш, асарларда кўтарилган ҳаётий муаммолар ва уларни бартараф қилиш бўйича уларнинг мулоҳаза фикрларини таҳлил қилиш, кейинчалик улар учун ҳаёт мактаби вазифасини утайди. Шунингдек, сабоқлари ҳозирги давр учун муҳим бўлган ахлоқий, эстетик маънавий-маърифий масалаларни англашга ва таҳлил қилишга ўргатади. Асарларда қайд

этилган умуминсоний дунёқараш тушунчасини ва мазмунини англашга катта ёрдам беради.

Ўсмир ёшидаги қизларни китоб мутолаасига жалб қилиш ва бу масалани йўлга қўйиш учун маҳалла, мактаб, лицей қошида махсус китобхонлик курсларини ташкил қилиш, интеграциялашган анъанавий ва замонавий китоб тарғиботларидан, интернет тармоғидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бугунги кун талабларидан биридир.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди ўзининг халчиллиги, содда ва равллиги билан инсон руҳиятини тарбиялашда муҳим ўрин тутати.

Шу боис, оилада ўтказиладиган тўй ва миллий маросимларда, халқ умумбайрам сайилларида фольклор дасталари репертуарларида иштирок этиш улар томонидан ижро этилган халқ кўшиқ ва термаларини тинглашга жалб этиш ҳам, ёшларнинг иштирокини ташкил қилиш ҳам халқ яратган ижод маҳсулига, бойлигига муҳаббат туйғусини уйғотилади.

4. Ўсмир қизлар маънавий-ахлоқий дунёқарашларини китобхонликнинг асосида шакллантиришдан асосий мақсад, уларда педагогик-психологик хусусиятларни такомиллаштиришдан иборатдир. Бу тарбия меъёрларини белгилашда, ўсмир қизлар фаол иштирок этадиган таълим масканларида мавжуд педагогик, маънавий-маърифий ресурслардан самарали фойдаланиш мумкин бўлган бой манбалар мавжуд.

Бу фаол китобхонликни йўлга қўйиш билан боғлиқ маънавий-маърифий, ғоявий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш ва улардан мақсадли фойдаланиш, бугунги кунда ижтимоий – гуманитар фанлар эришган ютуқлар билан таништириб бориш, уларнинг педагогик –

психологик хусусиятларини шакллантиришда сезиларли хизмат қилади.

5. Ўсмир қизларни, улар ўқиган китоблари воситасида, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий тарбиянинг кундалик ҳаёт, юртимизда эришилган бунёдкорлик ишлари билан боғлиқ жиҳатларини англатиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта хизмат қилади. Инсон учун муҳим бўлган онглилик, фаоллик, мустақил фикрлаш, миллий қадриятларни эъозлаш каби туйғуларни таъминлайди.

6. Ўсмир ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида эътиборсиз қолдирилган педагогик-психологик хусусиятларни шакллантириш масаласи натижасида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга, асрий анъаналаримизга эътиборсиз қараш туйғусини шакллантирди. Бу ҳолат педагогик лоқайдликни ҳосил қилишга олиб келди. Натижада, бу лоқайдлик илллати ўсмир-қизлар маданияти, хулқига салбий таъсир қилди. Бу иллатнинг олдини олиш учун, ёшларни ишончли, самарали натижа берадиган маънавий-ахлоқий тарбия усулларидан фойдаланиш, китобхонликка жалб этиш орқали уларни ҳаётга татбиқ этиш бутунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Энг муҳими, ўсмир қизлар севиб ўқиётган китобларидан завқланиши, таъсирланиш туйғуси жамиятдаги одоб-ахлоқ меъёрлари, миллий ва умуминсоний қадриятларга, урф-одатларга, анъаналарга эътиқодли бўлишга ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Президент фармойиши. // Ма’рифат. – Тошкент, 2017. № 4 (8965). Б. – 1, 7.

2. “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора – тадбирлар дастури тўғрисида”ги Президент Қарори. // Ма’рифат. – Тошкент, 2017. № 74 (9035). - Б. – 1,6.

3. “Хотин – қизларни кўллаб – қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5325 2018 2 феврал Фармони.

4. “Узлуксиз маънавий тарбия концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 16 апрел.

5. Исроилова М.Н. Лотин тилини ўқитиш жараёнида тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини интеллектуал - маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.бўй.фалсафа док.(PhD) афтореф. – Тошкент. 2018. – Б. 50

6. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед.фан.д.ри...дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 306.

7. Маҳмудова М. Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими. Пед.фан.докт.диссертацияси.2007 й, 250 б.

8. Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед.фан. д.ри...дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 308.

9. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед.фан. д.ри...дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 253.

10. Турсунов Ж. Ўқувчиларда креатив қобилиятларни шакллантиришда эвристик таълим методларидан фойдаланиш. //Мақtab ва ҳаёт. – Тошкент, 2013. № 3. – Б. 26-28.

11. Умаров А.О. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси; А.Қодирий ном. Тошкент Давлат маданият инс-ти. – Тошкент: Фан, 2004. – 194 б.

12. Тўланова Г. Ахборот-кутубхона муассасаларида интерфаол хизматлардан фойдаланишнинг янги имкониятлари. //Kutubxona.uz. – Тошкент, 2015, № 2. -Б. 21-23.

13. Холиқов А. Ўқитувчининг тарбия технологиялари асосида фаолият олиб бориши.//Халқ та'лими. – Тошкент, 2010. № 2. –Б. 15-19.

14. Шарипов Ш. Педагогик технология ҳамда таълим методи тушунчаларининг ўзаро нисбати. // Халқ таълими. – Тошкент, 2004. № 6. – Б. 26-27.

15. Эгамбердиева Н. Технологии формирования читательских умений у младших школьников. – Тошкент, Адабиёт фанини замонавий ўқитиш масалалари. Республика илмий – назарий конференция материаллари тўплами. ТошДЎТАУ – 2017. – Ст. 8-13.

16. Эргашев Ш., Калонтаров А. Umumta'lim maktablarida axborot– kommunikatsion muhitni shakllantirish va rivojlantirishda electron axborot –ta'lim

resurslarining o'ri va ahamiyati. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 2016. № 4. – B. 84 – 92.

17. Мирзаева З. Адабиёт фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. Гарднернинг “Турфа заковатлар” назарияси. Global ta'lim va milliy metodika taraqqiyoti. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Тошкент, ТошДЎТАУ – 2018. 11-14-б.

18. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – 112 б.

19. Муҳамедова С.Х., Юлдашева Ш.Ш. Педагогик дастурий воситалар ва тил таълими. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий – назарий анжумани материаллари. – Тошкент, ТошДЎТАУ – 2016. 113-116-б.

20. Оила энциклопедияси Тошкент Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашри 2019

Кўчқорова Айша Олтибоевна

КИТОБ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ўқув-услубий қўлланма

ISBN 978-9910-786-49-5

Мухаррир: С.Каримова
Мусахҳих: Ш.Абдурахимов
Тех.муҳаррир: Ҳ.Амирдинов

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
140104, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93

Нашриёт тасдиқномаси:
№ 1243-7560-5999-432с-2125-1811-8655

Босмахона тасдиқномаси:



4268

Босишга рухсат этилди: 23.09.2024 йил.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/2.
“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 3,4. Шарт б.т.: 2,0.
Адади: 100 нусха. Буюртма 23/09.

СамДЧТИ тахрир-нашриёт бўлимида чоп этилди.
Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.

ISBN 978-9910-786-49-5



9 789910 786495